

Inventions-RJAI, 2(9), 14-17.

5. Khasanovna, M. G. (2021). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF MORPHOMETRIC PARAMETERS OF PHYSICAL DEVELOPMENT AND ANTHROPOMETRIC DATA OF THE UPPER EXTREMITIES OF HEALTHY AND COMPUTER DEPENDENT CHILDREN. Research Jet Journal of Analysis and Inventions, 2(09), 14-17.

6. Мухидова, Г. Х. (2021). Феномен «компьютерной зависимости: особенности интернетзависимости у подростков». Eurasian journal of medical and natural sciences, 22-26.

7. Мухидова Г.Х. "Zamonaviy ta'lim: muammo va yechimlari". Особенности антропометрических параметров компьютерно-зависимых подростков мальчиков. 2021г стр 49-50.

8. Мухидова Г.Х. "Zamonaviy ta'lim: muammo va yechimlari". Морфофизиологические особенности и степень интернет-зависимости у подростков. 2021г стр 45-46.

9. Mukhidova, G. X., & Sanoev, B. A. (2022). Causes and Occurrence of Uterine Endometrial Polyps in Women in Bukhara Region. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(3), 42-45.

10. Muxidova Gulmira Xasanovna MORPHOMETRIC AND MORPHOLOGICAL FEATURES OF THE PLACENTA IN NORMAL PREGNANCY. Web of science 3, page 365-373

11. Mukhidova Gulmira Xasanovna FEATURES OF COMPUTER-ADDICTIVE AND COMPUTER-NONADDICTIVE ADOLESCENTS ON ANTHROPOMETRIC INDICATORS. Web of science 3, page 358-364

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Назарова Фируза Илхомовна

Бухоро давлат тиббиёт институти.

Аннотация: Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида амал даврида ҳароратнинг кескин кўтарилиши, шунингдек гармселнинг кўп бўлиши туфайли ушбу воҳаларда экилиб келинаётган ўрта толали ғўза навлари ҳосил элементларининг тўкилишига олиб келмоқда. ушбу воҳаларда экилиб келинаётган ўрта толали ғўза навлари ҳосил элементларининг тўкилишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликларида иқтисодий томондан анча зарарга олиб келиши кузатилган. Шунинг учун Ингичка толали пахта навлари экстремал об-ҳаво шароити, сувсизлик,

гармсел ва зараркунда ҳашаротларга чидамлилиги билан ажралиб туради.

Калит сўзилари: Termiz-202, Termiz-208, Surxon-14, SP-1607, paxta, harorat, G.barbadense L

СОЗДАНИЕ ТОНКОВОЛОКНИСТЫХ СОРТОВ ЖЕЛУДЕЙ - ТРЕБОВАНИЕ ПЕРИОДА

Назарова Фируза Ильхомовна

Бухарский государственный медицинский институт.

Аннотация: Из-за резкого повышения температуры в период амаля в Сурхандарьинской, Кашкадарьинской и Бухарской областях, а также обилия гармселя, средневолокнистые сорта желудей, выращиваемые в этих оазисах, вызывают отложение элементов урожая. сорта желудей со средней волокнистостью, высаженные в этих оазисах, вызывают отложение элементов урожая. Было замечено, что это, в свою очередь, наносит значительный экономический ущерб фермам. Поэтому тонковолокнистые сорта хлопка в Гармселе и зарзкуне отличаются экстремальными погодными условиями, безводностью, устойчивостью к насекомым.

Ключевые слова: Термез-202, Термез-208, Сурхан-14, СП-1607, хлопок, темпера, G.barbadense L .

THE CREATION OF FINE-FIBER VARIETIES OF ACORNS IS A REQUIREMENT OF THE PERIOD

Nazarova Firuza Ilkhomiyona

Bukhara State Medical Institute.

Abstract: Due to the sharp increase in temperature during the amal period in Surkhandarya, Kashkadarya and Bukhara regions, as well as the abundance of harmsel, medium-fiber varieties of acorns grown in these oases cause the deposition of crop elements. varieties of acorns with medium fibrousness planted in these oases cause the deposition of crop elements. It was noticed that this, in turn, causes significant economic damage to farms. Therefore, the fine-fiber cotton varieties in Garmsil and zarzkun are distinguished by extreme weather conditions, waterlessness, and insect resistance.

Keywords: Termez-202, Termez-208, Surkhan-14, SP-1607, cotton, tempera, G.barbadense L .

Кириш: Ғўза инсоният учун ҳаётий муҳим қишлоқ хўжалик экинларидан биридир, чунки пахтачиликнинг маҳсулоти бўлган тола ва уруғлари ниҳоятда кўп иккиламчи ашёларни беради. Ўзбекистон дунё пахтачилигида энг шимолий пахта етиштирувчи давлат бўлиб, бу эса пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича кўпроқ изланишлар олиб боришни талаб қилади. Мамлакатимизда пахта ҳосилини янада ошириш учун, асосан ҳозирда экилиб келинаётган навлар ўрнига янги истиқболли ва шу минтақага мослашган эртапишар ва ҳосилдор навларни жойлаштириш ва етиштириш негизида амалга ошириш мумкин. Ҳосилдорликни ошириш жуда мураккаб вазифа бўлиб, уни ҳал этиш учун мажмуий ёндашув талаб этилади. Бугунги кунда мамлакатимиз учун ҳозирги давр талабига жавоб бера оладиган пахта навлари етиштириб бериш долзарб масала ҳисобланади. Дунё бўйича пахта толасини етиштириш бўйича Ўзбекистон олтинчи ўринда, экспорт қилиш бўйича эса бешинчи ўринда туради.

Ғўзанинг асосий маҳсулоти тола бўлиб, уни сифатига қараб баҳоланади. *G.barbadense* L. ғўзаси энг ёш ва пластик тур бўлиб, уни биринчи ватани Жанубий Америка ҳисобланади. Бутун дунёда *G.barbadense* L. тури умумий пахта майдоннинг 9 % ини ташкил этади. Асосан, АҚШнинг орол бўйлари ва текисликларида етиштирилиб, Си-Айланд номи билан машҳур бўлди. Кейинчалик Си-Айланд ғўза навлари Мисрнинг Нил водийларига кириб келди ва узун ингичка толали Миср навлари сифатида кенг майдонларда етиштирилди. 1871 йилда биринчи марта Тошкент атрофида Миср ғўза навлари иштирокида тажрибалар қўйилган. Лекин чигит ва толаси пишиб етилмаганлиги учун тажриба тўхтатилган. 1912-1914 йилларда Фарғона водийси “Малик” хўжалигида Миср навларидан “Афифи” нави 300 га майдонга экилган. Ҳосилдорлик 4-6 ц/га ни ташкил этган. 1956 йил Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ингичка толали ғўза навларини синаб кўриш учун тажриба станцияси ташкил этилган. Бу ерда селекционер А.А. Творогов ва Е. Гавриловлар томонидан бир қанча ингичка толали ғўза навлари- Термиз - 7, Термиз - 8, Термиз - 14, Термиз - 15, Термиз - 31 ва бошқалари яратилган. Кейинчалик А.И. Автономов, А.А. Автономов, Ю.П. Хуторной, М.И. Иксанов, А.П. Тяминов, Вад.А. Автономов, Вик.А. Автономов ва О.Х. Кимсанбоевлар томонидан кўпгина ингичка толали навлар (С-6029, С-6030, С-6032, С-6037, С-6040, С-6042, Карши-8, Карши-9, Сурхон-2, 3, 5, 7, 9, 14, 16, 18, 100, 101, 102, 103) яратилган ва районлаштирилган.

Тадқиқот услубиёти: Ўзбекистон республикаси дунёнинг ингичка толали пахта етиштиришни яхши ўзлаштирган

мамлакатларидан бири. Бунга асосий сабаб республикамизнинг жанубий районларида иссиқлик, кенг майдонларда ингичка толали ғўза навлари етиштирувчи мамлакатларга, яъни Шерободда иссиқлик заҳираси Қоҳира (Миср)га, Термизда эса Александрия (Миср) ва Байрам Али (Туркменистон) нисбатан юқоридир ва шунингдек илғор селекционер ва уруғшунос олимларнинг самарали ишлари имкон туғдиради. Республикамизда 1987 йилда 204 минг гектар ерга ингичка толали ғўза навлари экилиб, ялпи ҳосил 587 минг тоннани ташкил қилган. Республикамиз бу ғўза навларини етиштириш бўйича дунёда Мисрдан кейин иккинчи ўринда турган. Кейин турли сабабларга кўра республикамизда ингичка толали ғўза навларининг экин майдони кескин қисқариб кетган. Чунончи, юқори сифатли тола сотиш тўхтаб қолганлиги туфайли республикамизда ингичка толали ғўза навлари экин майдонлари 1988 йилдан 1999 йиллар давомида 200 минг гектардан 8 минг гектаргача камайди. 2001 йилда эса 23 минг гектарга яна ўсди. Республикамизда 2008 йил ингичка толали Термиз-31, Сурхон-9 ва Сурхон-14 навлари ҳаммаси бўлиб 6,5 минг гектар майдонга экилди. Юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев сайёҳи-ҳаракатлари, йўриқ-кўрсатмалари туфайли 2017 йилдан мамлакатимизда бундай навларнинг экин майдони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жаҳон бозорида ингичка толали ғўза навлари маҳсулоти қимматли баҳоланишини ҳисобга олиб, республикамизда Миср навлари билан тенглаша олувчи, биринчи ва иккинчи тип тола берадиган, тола сифати ва ҳосили юқори бўлган навларни яратиш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш зарур. Маълумки, республика тўқимачилик саноати учун кўп фойдаланиладиган, V тип тола берадиган навлар умумий ҳосилнинг 60% дан ортиғи ташкил этади. Аммо охириги йилларда дунё бозорида юқори сифатли тола сотиб олишга талаб ортганлиги, юқори сифатли Ia, Ib ва I, II, III ва IV тип толали навлар яратиш зарурлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Ингичка толали ғўза навлари селекция жараёнларини жадаллаштириш асосий вазифалардан бири эканлиги бундай навларнинг маҳсулоти жаҳон бозорида қиммат баҳоланиши, агрокластерларда мавжуд бўлган тўқимачилик корхоналарини, саноатнинг бошқа соҳаларини хом-ашё билан таъминлаши, ортиқча толани сотиш жиҳатидан иқтисодий жиҳатдан кўп фойда келтириши билан асосланади. Ингичка толали пахтани доимий етиштириш давлатимизни ташқи бозорни таъминлаш меъёрини оширади ва савдо ҳамкорлари олдида ишончли ва доимий ўрнига эга бўлади. Дунёда ингичка толанинг танқислиги сабабли Америка Қўшма Штати

Пима навлари (*G.barbadense L.*) экин майдонини 80 мингдан 110 минг гектарга оширди. Ҳиндистон ўзининг ингичка толали навлари толасидан ташқари, қўшимча 150 минг тонна Пима толаси сотиб олади. Шунинг назарда тутган ҳолда, Бухоро вилояти шароитида айрим ингичка толали ғўза навлари чигитининг унувчанлиги, ўсимлик бўйи, шоналар ва қўсақлар сони тадқиқ қилинди. Тажриба 2021-йилда Бухоро вилояти Когон тумани “Акрамбобо набираси Гулшода фермер хўжалиги” ҳамда Бухоро тумани “Бухоро баҳор обод ерлари” фермер хўжалигига майдончасида ва лабораторияда олиб борилди. Унга кўра, жорий йилда ерга агротехник ишловлар берилиб, шу куннинг ўзида ингичка толали ғўза навларидан Термиз-202, Термиз-208, Сурхон-14, СП-1607 чигитлари ерга қадалди. Олиб борилган тажрибамизда Термиз-208 энг юқори ҳосил бериши билан бошқа навлардан ажралиб турди. Биринчи тип тола берадиган ингичка толали ПСУЕАИТИнинг Сурхандарё илмий-тажриба станциясида Ҳ.Чориева ва бошқалар томонидан яратилган. Термиз-208 ғўза навини Аш-25х термиз-14 га чатиштириб яратилган. Навнинг ўсув даври 115-116 кун, моноподиал типда, цилиндрсимон ўсимлик барглари ўртача катталиқда. Ўсимликнинг бўйи 110-115 см, барги кафтсимон, ўртача катталиқда, баргида госсиполи мавжуд [1-5].

Гули сарғиш, кўсаги кичик, эллипссимон учли. Бирдона кўсагида пахта вазни 3,6-3,8 грам, чигит ўлчами ўртача, тола узунлиги 40-41 мм ташкил этади, тола пишиқлиги 4.8 г/ куч, нисбий узулиш қуввати 39,8гк/текс, тола чиқиши 34 фоизни ташкил этади. Толаси 1-типга мансуб. Умумий ҳосил дорлик 45,0-55,6 ц/гани ташкил қилади [9-16].

Хулоса: Хулоса ўрнида шунинг айтиш жоизки ингичка толали ғўза навларини етиштириш республикамизнинг нафақат жанубий вилоятларида Ингичка толали пахтани доимий етиштириш давлатимизни ташқи бозорни таъминлаш меъёрини оширади ва савдо ҳамкорлари олдида ишончли ва доимий ўрнига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 январдаги ПФ-47сон «Ингичка толали пахта етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида» ги Фармони.
2. Орипов Р., Остонов С., “Пахтачилик” Самарқанд-2005
3. Эргашев М.М., Абдурахмонов И, Норалиев Т. Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш. Республика онлайн илмий-амалий анжуман Гулистон, 2020.

4. Mirzoeva, M. A. (2023). Methods for the Systematic Formation of Biology Teachers as Specialists. *Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal*, 2(2), 131-134.

5. Akhtamovna, M. M. (2023). Digitalization–Development. *Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal*, 2(2), 128-130.

УДК: 618.14-007.61-056.257-053. 87-078:577.112.5.015.8.083.3

ГИСТОЛОГИЧЕСКАЯ МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА ЭНДОМЕТРИЯ ПАЦИЕНТОК С ГИПЕРПЛАЗИЕЙ ЭНДОМЕТРИЯ

Нурханова Нилуфар Одилловна¹ -ORCID ID-0009-0001-4993-9751,

Туксанова Дилбар Исматовна² -ORCID ID 0000-0002-2125-5251

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан.

Резюме. У женщин в перименопаузальном периоде гиперплазия эндометрия может быть вызвана изменениями уровня гормонов, таких как эстрогенов и прогестерона. Гистологическая картина гиперплазии эндометрия у таких пациенток может отличаться от картины у других групп пациенток. В данной статье даны собственные результаты проведенного исследования.

Ключевые слова: перименопауза, аномальное маточное кровотечение, гистологический анализ.

HISTOLOGICAL MORPHOLOGICAL STRUCTURE OF THE ENDOMETRIA OF PATIENTS WITH ENDOMETRIAL HYPERPLASIA

Nurkhanova Nilufar Odilovna¹-ORCID ID-0009-0001-4993-9751,

Tuksanova Dilbar Ismatovna²- ORCID ID 0000-0002-2125-5251

Bukhara State Medical Institute, Bukhara, Uzbekistan.

Summary. In perimenopausal women, endometrial hyperplasia can be caused by changes in hormone levels such as estrogen and progesterone. The histological picture of endometrial hyperplasia in such patients may differ from the picture in other groups of patients. This article presents our own results of the research.

Key words: perimenopause, abnormal uterine bleeding, histological analysis.